

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

● № 114 (2378)

● 1991 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРЬ

● ШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН

БИЗНИНГ
СУҲБАТ

ОФИРЛИКНИ БЎЙНИМИЗГА ОЛГАНМИЗ!

Рўзномамизнинг ўтган сонида Узбекистон Жумҳурияти Президентининг Зокиржон Алматовни Узбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги Фар-

мони билан таништиргандик. Мухбиримиз милиция полковники З. Алматов билан учрашиб, у кишидан бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Муҳтарам вазир, авваламбор Сизни кўпсонали мухлисларимиз номидан юқсан лавозим билан чин дилдан қутлаймиз.

— Раҳмат.

— Қадимдан: «Подшолик тинч бўлса, юртнинг косаси оқаради», — деган гап бор. Сиз лойиқ топилган жумҳурият ҳукуматидаги энг масъул мансаблардан бирни улуснинг хотиржам яшаши, ишлаши ва ижод қилишини таъминлашга давлат этилган ходимларга раҳбарликдан иборатдир. Шунинг учун рўзномасеварларни, ички ишлар идоралари ходимларини ишни нимадан бошлагоноччиликни қизиқтиришадан қўймайди. Биринчи навбатда ечиними кутаётган муаммоларга тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳақиқатдан менинг чекимга, наинки менинг, балки барча милиция ходимлари чекига ниҳоятда вазмин юк тушган. Устига устак, тезтез ноўрин эътироэлар ҳам ёғилиб туради. Лекин ишга ана шу оғирликни бўйнимизга олиб кирганимиз. Ҳеч кимни бирор милицияда зуғум билан хизмат қўлдирмайди. Шунинг учун тош келса кемиришдан, сув келса симирдан ўзга иложимиз йўқ.

Энди саволингизнинг иккичи қисмига ўтсан. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври муносабати билан жиноятчилик таркиби ва турода жиддий янгиликлар юз бермоқда. Мана шу ўзгаришлар кетидан унга қарши курашишга мўлжалланган ўйлаб чора-тадбирларни акс эттириш

ган қоп-қоп қорозни қоралашнинг ҳожати бормикан? Ундан кўра олдиндан башшор қилиш ва бошқача тус олган вазиятга тайёр туриш яхши эмасми? Албатта, бундай фикрлаш учун вазирликдаги кўп ходимлар онгига янгича мулоҳаза юришини ўйготишмиз керак. Хуллас, бундан бўён жиноятчилик билан кураш маркази ҳисобланмис вазирликда воқеалар ривожига оддий томошабин сифатида кузатишга чек қўйилади. Аксинча, жиноятчилик оқими забтими қирқиши йўллари қидирилади.

Муаммолар ҳақида эса шу қадар кўзилиб, беҳисоб айтилмоқдаки, унинг ечими долзарблиги ҳақидаги сўзларнинг сийқаси чиқиб кетди. Ҳатто одамларнинг қулоги ҳам ўрганиб қолди. Энг даҳшатлиси шунда.

Шунга қарамасдан ҳозир техника, штат, маблағ борасидаги муаммолар тугунинг ечилишини тезлатиш мақсадида жумҳурият ҳукуматига таклиф тайёрлаяпмиз. Агар биз кўчаларимиз осойишталиги, одамларимиз ороми бузилмаслигини истага эканмиз, ҳаражатлар юзига қарамаслигимиз зарур. Арzon шўрува татимайди, дейди ҳалқимиз.

Яна бир муҳим масала — кадрлар муммоси. Бу энди кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Ходимларни ўз вазифаларини ўташга ҳар томонлама тайёрлаш сифатини оширмасдан туриб, қийин шароитда ҳалқ бераётган маблағни ҳавога совуриш

хеч гап эмас. Мен бу ўринда ходимларнинг ҳам рӯзий, ҳам маънавий, ҳам жисмоний чидамлилигини ва касб маҳоратини назарда тутяпман. Шу маънода милицияга қабул қилиш шартларини тўла қайта кўриб чиқиш даркор. Америка полициясида бўй, вазннинг қўйи чегараси бор. Бежизга улардаги полициячи гавдасини кўрган ҳуқуқбузарлик шайдоси тиззасига титроқ югурмайди.

— Вазир сифатида кадрларни тайлан, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш сиёсатини ўтказиша нималарга асосланасиз?

— Жавобим ниҳоятда қисқа бўлади. Малака ва ҳалоллик. Изланиш ва бурчга садоқат.

— «Ўзбекистон Жумҳурияти давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги Конуига мувофиқ иттифоқ ички ишлар вазирлиги билан муносабатлар қандай тус олади?

— Биз мустақил давлатмиз. Шундай экан, ССЖИ ИИВга қўйидагиларга буйруқ берувчи юқори идора сифатида эмас, балки бир неча давлат ҳудуди бўйлаб тармоқ ёйган жиноятчилик билан курашдаги шерни сифатида қаралади. Ҳудди шундай ҳамкорликни бошқа хорижий мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳам ўрнатиш ниятимиз бор.

Ўзбекистон кун сайнеч давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларни ку-



чайтироқда. Мамлакатга келиш ва ундан кетиш йўллари жуда осонлашди. Узбўзидан равшанни, жиноий унсурлар бундан фойдаланишига уринишади.

— Жумҳурият ИИВда иш юритиша давлат тилининг мавқеи кучаядими? Барча ходимлар бу тилини хизмат бурчини ўташ доирасида билиши шарт, деб хибоблайсизми?

— Назаримда саволингиз бироз ноўрин. Мустақил давлатнинг ички ишлар вазирлигига давлат тилида иш юритиши кучайтиришга зарур ўйқ, балки юритиши керак, тамом-вассалом. Ҳар бир ходим давлат тилини эгаллаши шарт. Ҳозир вазирликда курслар очилган. Фақат ўрганиш учун хиёл қунт керак, холос.

— Вазирликда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни очиши билан боғлиқ бўлмаган штатлар сони ҳаддан зиёд эмасми?

— Мени жиддий ўйлантираётган масаладан оғиз очдингиз. Сиз тилга олган штатлар сони шу қадар кўп-

ки, уларсиз ишнинг пачаваси чиқиши мумкинлиги ҳақидаги фикр шундай усталик билан сингдирилганки, ҳайратдан лол қоласан киши. Албатта, ёрдамчи бошқарма ва бўйлар ҳисобидан милиция вазифасига юклатилган «қора иш»ни бажарадиган ходимлар сонини кўлпайтишга ҳаракат қилимиз. Шундагина юқорида айтилганидек, эллининг косаси оқаришига кўпроқ ҳисса қўшиш имкони туғилади.

— Муҳтарам вазир, сұхбатнинг ниҳоясида рўзнома жамоасининг бир истагини Сизга билдиришни эп кўрдик. У ҳам бўлса, «Постда» орқали рўзномасеварлар билан учрашиб турсангиз. Бу деч қандай воситачисиз кўлчилкини тўлқинлантираётган масалалардан огоҳ бўлишда катта ёрдам берарди.

— Мен ҳамиша бундай учрашувларга тайёрман. Зоро, жонли мулоқотнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Сұхбатдош Файрат ЖУРА.



Суратда муҳрланган ушбу ҳолатни жумҳуриятимиз кўчаларida кўп кўргансиз. Коидани бузган ҳар бир ҳайдовчи ана шундай текширудан ўтказилиши лоҳимиз.

Марғилон шаҳар ИИВ

ДАН йўл назорияти инспектори, байналмилалчи, милиция старшинаси Алишер Камолов учун хизмат давомида бундай учрашувлар, милиционерлик нуқтаси назаридан қараганда, одатий ҳолдир. Унинг талабчани-

ги, қаттиқўллиги, ҳайдовчилик билан тушунтириш йўли орқали муроса қилиши ўз ишини мунаммал билганилигидан далолат беради.

Гуломжон УБАИДУЛЛАЕВ
олган сурат.

ЁРДАМ БЕРГАНИДАН ХУРСАНД

Тун. Ҳамма уйқуда. Милиция катта лейтенантини А. Дўсимов, милиция капитани Д. Абдуллаев, милиция лейтенанти Ю. Мамажоновларигина бедор. Уларнинг диққатини елдай учиб келаётган «АЗ» белгили С 94-00 ТШ рақамли машина тортиди. Ҳайдовчи ходимларнинг тўхташ ҳақидаги ишорасига парво қилмай ўтиб кетди. Гуруҳ уни кузатишга киришди.

Айланма йўл билан олдиндан кесиб чиқиши.

Ҳайдовчининг безовталашиши, кийим-бошининг ҳўллиги, улов ичидан анқиётгани ғалати ҳид ходимларни сергаклантириди.

Тўғрисини айтсангиз, айнингиз енгиллашади. Ўзинчизни ёлғон гапиришга мажбур қилманд. Ёш бола эмасиз-ку.

Гаплар таъсир қилдими, ҳар ҳолда у мол ўғирлаб, канал орқали бирига яшириб келаётганлигини тан олди. Аммо бир ўзим қилдим, деб чағитмоқ-

чи бўлди. Синчков гуруҳ ходимлари бир ўзи эплай олмаслигини исботлагач, кабобчи оғайниси ҳақида маълумотлар берди.

Бу каби тез фурсатда очилган жиноятлар А. Дўсимовнинг иш фаолиятида ўнлаб учрайди. Болалигидан шу касбга меҳр қўйган Абдулжаббор армия сафидан қайтгач, Тошкент Давлат дорилғунунининг ҳуқуқшунослик куллиётига ўқишига кирди. Уни мувоффақиятли тутагатгач, Янгиюл тумани ИИВга ўйланма олди. Ҳозир Халқобод қўргонида участка вакили бўлиб ишламоқда. Унга турли ёшдаги одамлар турли ёрдамлар сўраб мурожаат қилишади.

Гаплар таъсир қилдими, ҳар ҳолда у мол ўғирлаб, канал орқали бирига яшириб келаётганлигини тан олди. Аммо бир ўзим қилдим, деб чағитмоқ-

қўчкор ЖУМАҚУЛОВ.

ХОРИБ ҚАЙТИШГА РОЗИМАН

Пешкү туманининг Куйбашевноми жамоа хўжалиги дедонлари бу йил доини экинлардан мўл ҳосил етиширилдилар. Уни етишириш қанчалар машақатли бўлса, ўз вақтида, истрофарчилик сиз йигиб-тери олиш ҳам шунчалар масъулиятидир.

Шу каби муаммолар туман Кенгаши ноиби, ИИБ хўкуқбузарликнинг олдини олиш бўйича катта инспектори милиция майори Ҳамид Болтаевга танишидир. Чунки у шу заминда туғилиб, вояга етган. Дедон мөхнатнинг ҳақиқий баҳосини билади.

Ун уч йил аввал Ҳамид участка вакили этиб тайинланганди.

Бир воқеа бўлганди. Ҳамиднинг ишдаги юқори кўрсаткичлари, ҳалол мөхнатлари, аҳоли ўртасидаги ҳурмат-эътиборини ҳисобга олиб, катта участка вакили лаво-

зимига кўтаришиди. Иш қамровининг ошганлиги боис, у энди ўзига биритирилган ҳудудда камроқ кўрина бошлиди. Шунда ИИБга қишлоқ вакиллари келишиб, ўзларининг «участковойи»ни қайтишиларини илтимос қилгандар.

Одамларнинг айнан шундай муоммаласини ишинга берилган юқори баҳо деб биламан. Бунинг учун ўйқудан қолишга, уйга ҳориб қайтишига ҳам розиман, — дейри Ҳ. Болтаев.

Ҳозир милиция майори вояга етмаганлар билан ишловчи участка инспекторларига раҳбарлик қилмоқда. Тошкент олий милиция мактабида таҳсил олмоқда. У билан учраши осон эмас экан. Эрта тонгдан дала шийпонида, ноиблик ишлари билан ижроқўмда...

Мен уни кечга яқин Куйбашевноми жамоа хўжалигининг дон омбори ёнида уч-

ратдим. Ҳ. Болтаев участка вакили Т. Рамазонов билан хўжалик вакиллари иштироқида объектнинг ёнгина қарши ҳолатини кўздан кечираётган эди. Сўнг биргаликда тунги ўтказиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини талонтарож қилишга қарши белгиланган тадбирни мудоқама қилинди.

Унга Ҳ. Болтаев раҳбарлик қилас экан, демак у муваффақиятли ўтади.

Е. ЗУЕВ,

милиция майори.

СУРАТДА: (чандан ўнгта) жамоа хўжалиги омбор мудири Раҳшон Фармонов, милиция майори Ҳамид Болтаев, жамоа хўжалигининг тафтиш комиссияси раиси Камол Жамилов, участка вакили милиция капитани Толиб Рамазонов дон омбори ёнида.

Муаллиф олган сурат.



Ҳаётда тўғри йўлдан адашганларни ҳом сут эмган бандалар, деб аташади. Ана шу таъриф ортида инсон ва инсонлар тақдирли ётганини, оёқости бўлган тақдирлар ортида эса «жигарим»лаб қолган туғишганлару қарашдан тинмаган жабрдийдалар борлигини ҳар доим ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Буни бошдан кечиргандаригина яхши ҳис этадилар.

Жуманиёнинг яхшигина ҳунари бор эди. Уни кўпчилик моҳир сомсапаз сифатида биларди. У ҳар куни юзлаб одамларнинг қорнини тўйғазиши, эвазига эса нафақат пул, балки раҳмат, дуо олиши керак эди.

Афсуски, ҳом сут эмган бандана ота бўлиб ёши 24га етган бўлсада, буни тушунмади. Эгри йўл билан камолга етмоқни ихтиёр этди. Адашда. Қаттиқ адашди.

Фарҳод ва Азабеклар ҳам ҳаётнинг маънисига тушуниб етишмади. Бўйлари теракдай бўлсада, айллари чумчукнидек қолаверган экан.

Умр инсонга нима учун берилади? Унинг ёрур дунёда нафас олиши учун ажратилган 60-70 йил дўши бир айлангунча ўтади-кетади. Бирор аризигулар иш қилинг, оила қуриб, бола-чақа ортиришиш, ортингдан нишона қолдиришиш керак. Бундай мақсад уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмага. Бири 19, иккинчи 21 ёшида, ҳали куёвлар даври сууридан лазатланмай туриб, мол ўғриси деган тавиҳ-лаънат сиртмогини буйинларига илиб олиши.

1990 йилнинг биринчи куни, Аввалидан келишиб қўйилган 01-73 ФЕН рақам-

ли юқ автомашинаси Комсомолбод туманинага «В. И. Лениннинг юз йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудига келиб тўхтади. Эрталаб соат тўрт.

Бир оз совуб қолган хонада ўй эгаси Маҳмуджон Тожиаҳмадов кўрпага бошини буркаб, маза қилиб ӯхлаяп-

ХОМ СУТ ЭМГАН БАНДАЛАР

ти. Фарҳод Мўйдинов билан Жуманиён Турғунбоевлар унинг ҳовлисидан иккиси бош қорамолни оҳиста кўчага етакладилар. Ҳаммаси рисоладагида бўлди. Ўғрилар ўй эгасининг оромига, ўй эгаси эса ўғриларнинг резасига ҳалақит берishмади.

Биринчи гал кўза синмади. Иш осон кўғандай эди. Салкам З минг сўмлик иккита қорамол 1 минг 400 сўмга «бор, барака!» қилиб юборилди. Бели оғримаганлар ҳудди шунаقا қилиб нон ейишаркан. Агар ўзлари бузоқлик пайтида сотиб олиб, ўт ўриб келида, парвариш қилишганида, ярим баравар арзонга сотишмас эди.

Келгуси якшаиба куни яна шундай бўлди. 01-73 ФЕН автомашинаси айтилган жойда ҳозир нозир бўлди. Унинг ҳайдовчиси ижарачи экан, барибирда. Моллар кимники, қаёқда олиб бориб, қанчага

сотишшапти — шоғёрга нима қизиғи бор! Пулини беришса бўлгани. Шунинг учун ҳам: «Ҳай, нима қиласизлар?» — деб қўйишга ярамади.

Бу гал Лутфиддин Салимовнинг бостиримада борлоглик турган З ёшли новвоси ва Жўраҳон Тўхтасиновнинг 1 минг 800 сўмлик зотдор сиғири бозорга кетирилди. Бу гал ҳам уч ярим минг сўмлик иккита жонивор ниҳоятда арzonга — 1 минг 900 сўмга пулланди.

«Ўғригина» болаларнинг топқирлигига бу ердаги аҳоли ҳафсаласига қойил қолмай илон ўй.

Улар ҳар доим хўжалик марказидаги трансформаторнинг рубильнингини тортиб, токни узиб қўйишган. Махалладаги чироқларнинг ҳаммаси ўчиб, қоп-корони бўлган. Марҳамат, бундай шароитда профессионал ўғри деган «хўжжати» бўлмаганлар ҳам ҳоҳлаган хонадонга «қадам ранжида» қилиши мумкин.

Ҳамкишлоқларни эса ҳаво очиқ бўла туриб, довул ёки қаттиқ қор ёғмаган пайтда чироқнинг ўчиб қолиши таажжубга солмаган.

Қилмишлари учун жавоб гарлика тортилган бу уч учарлар эндигина тўртта мол ўғирлаб сотған эдилар. Эсиз умр, эсиз инсонийлик... ҳаммаси бой берилди.

Д. УСМОНОВ,
Андижон вилоятидаги Комсомолбод туманин ИИБ катта терговчиси милиция майори.

С. ҲАСАНОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухабири.

ЭШИГИ ДОИМО ОЧИҚ

Самарқанд вилояти Булунгур тумани ИИБ ходимлари хўкуқбузарлик ва унинг оддини олиш бўйича маълум ишларни амалга оширишадар.

Туман ИИБ бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, милиция подполковники Убайдулло Қодиров билан бўлган сұхбатимиз шу ҳақда.

Қўнгироқ тифайли сұхбатимиз узилди. ЖКБнинг бошлиғи милиция катта лейтенанти К. Уролов очилган жиноят ҳақида ахборот берди.

Маълум бўлишича, қассоблар ўғрилар билан жиноят тил биритириб, қорамолларни гумдон қилиб келишарсан.

Менинг илтимосимга кўра Убайдулло ака ҳонасига К. Уроловни чакирди. Удан қидиригув бўлинмаси олиб бораётган ишлар хусусида сўрадиган.

— Биз бўлумимиз ходимлари билан йиғилиб, маслаҳатни бир жойга кўйдик. Содир этилаётган ўғрилик ва бошқа жиноятларни кептирилди. Илгари судланган ва қамоқ жазосини ўтаб қайтганлар билан ҳар томонлама сұхбатлар ўтказилди.

Кенг жамоатчилик фикри ўрганилиб, улар ҳам бу ишга жалб қилинди. Дарвоқе, айрим маслаҳат ва йўриқларни «Постда» рўзномасида ёритиладиган тақибасидан олмоқдамиз.

— Жамоат тартибини сақлаш учун бирон хил тадбирлар ўюштирилганини!

БИЗНИНГ СУҲБАТ

— Яқинда 12 соатлик умумлашган, кенг қамровли тадбир ўтказдик. Унда оддий милиционерлардан мансабдор шахсларгача қатнашди. ДАН ходимларнинг тезкорлиги ва тажрибали ҳаракатлар туфайли тақибали 28 нафар маҳсул ҳолда улов бошқараётган ҳайдовчи тўхтатилди. 3000дан зинёд турли белгили юк ва енгил машиналар кўздан ўтказилди. Текшириш натижасида уч юздан ортиқ қоидабузар ҳайдовчига маъмурӣ ва қонунда белгиланган бошқа чоралар қўлланилди.

— Жумҳурят ҳудудидан молларни чета олиб чиқиб кетишини таъкилаш ҳақидаги тегишили қарорлар ижроси қандай бажарилмоқда!

— Туманимиз асосан тоғли минтақа бўлиб, қўшини Тожикистон билан чегарадош. Шаҳар марказидан эса темир йўл кесиб ўтган. Мева-сабзат ёки бошқа ҳалқ истемоли молларнинг чета чиқиб кетишини назорат қилиш ва ушлаб қолиши асосий вазифамиздан ўтказирилди. Бу хусусда кўп бош қотирилди. Чунки ўғриланган ёки яширин юклар тўғри катта йўлдан кетавермайди. Улар кўпинча хуфёна ташилади. Мана шундай «зғри» йўлларнинг йўналишлари аниқланиб, еттига маҳсус постлар ташкил этилган.

ИИБ биносини тарқ этарканман, у ердаги яна бир тажрибада ҳақида айтиб ўтишни лозим тоғдим. Бу даргоҳга мурожаат қилиб қелган ҳар бир шахсга бошлиқнинг эшиги донмо очиқ.

Суҳбатдош Нишон МЕЛИЕВ.



Суратда: жиноят қидириув бўлинмаси бошлиғи К. Уролов ходимлар билан навбатдаги жиноятни очиш бўйича йиғилиш ўтказмоқда.

Шанба Учрашълари

Ҳасан акани маҳалладошлари сал ҳөвлиқмароқ, содда ва айни киши сифатида яхши билишади. Ўз тили билан айтганда, «тўрт классни» битирган бу одамнинг анча-мунча кўрқоқлигиям бор.

Ана шу Ҳасан ака бир куни кечқурун аллақандай юмуш билан чап томонида турадиган артист қўшнисининг чиқди. Ҳовли эшиги очиқ бўлгани учун тўғри ичкарига кириб бориб, энди уй эшигига кўл чўзган ҳам эдик, ичкаридан қўшнисининг даҳшатли овози эшитилиб қолди:

— Ҳасан ака! Уринг шу пи-очкини жафокаш кўкрагимга...

Ҳасан ака қўлини эшикка чўзганча қотиб қолди. Унинг кўзлари тиниб, қулоқлари шанғиллар, аъзойи бадани безгак тутгандек қалт-қалт титради.

У бир оздан сўнг сал ўзига келгач, ёқасини ечиб, кўксига туфлади ва кўрқа-писа ичкарига кулоқ тутди. Қўшниси худди шуни кутиб тургандек яна илтижоли оҳангда гапира бошлади!

— Уринг! — Ўлдиринг! Дуо қиламан. Худо хайрингизни берсиз, бола-қаңғизнинг оруз-ҳавасини қўринг, Ҳасан ака!..

Ҳасан ака таанг ахвозда қолди. Ичкарига кирай деса, шундайгина эшик орқасида қўлида

саям барибири милиса эгалик қилди. Вой, ярамасей, сал қолди-я, жиноятига шерик қилиб кетишига, Айтмоқчи, аҳмоқ ўғлим кеча артистликка ўқийман, деяётганими? Энди ўқиб бўлсан, артистликка!

Ҳасан ака учқур ҳаёл оғушида милиционерлардан ҳам югуриб ўтиб кетганини ўзим сезмай қолди. Улар бирин-кетин чопқилаб келишиб, эшик орқасига тўпланишида. Милиционер кўлига тўппончасини олиб, Ҳасан акага эшикни очиш маъносиди имо қилди.

— Йўқ, ука, — деди Ҳасан ака бирданига ўзини орқага тортиб, — ўзларинг очинглар, мен ўлиқдан кўрқаман.

Бу гапни эшигтан икки ёш дружиначи ҳовли эшигини мўлжалга олиб қўйишиди. Милиционернинг ҳам тўпконча тутган кўли сезиларни даражада қалтираб, оғзи қуруқший бошлади. У энди ҳовли ўртасидаги водопровод томон икки қадам ташлаган чогида уйдан артистнинг кўрқинчли овози эшитилиб, жойида тўхтаб қолди:

— Ҳой бўрилар!

— Ҳали тирик, — Ҳасан ака бор овозича беихтиёри шундай бақириб юбориб, уйига қочмоқчи бўлганди, қулогига яна артистнинг овози чалинди:

УРИНГ ШУ ПИЧОҚНИ!...

(ҲАЖВИЯ)

пичоқ тутиб турган қўшнисининг важоҳатли қиёфаси кўз олдида турибди, орқага бурилиб қочай деса, кувлаб чиқишидан қўрқиб, юраги қинидан чиқиб бораради.

«Эшик ёпик бўлса, менинг бу ерга келганини қандай кўрдийкин, — қўрқув аралаш ўзича ўйларди Ҳасан ака, — энди эшикнинг бирон жойида мен сезмайдиган тешиги бормикан? Эй, худойим-ей, қаерданам дуч келдим-а, бу касофатга. Нима бўлдийкин ўзи ё хотини билан жанжал қилдимикин? Ҳеч бундай одати йўқ эдик. Менинг келишимни кутиб тургандек шу пайтда гавғо бошлаб, қўлига пичоқ тутиб турганини қара-я! Кирган заҳотим пичоқ узатиб, ўлдиришимни сўраяптими, демак, бу ерда бир фалокат юз берган. Шундай экан, ғалвага шерик бўлмасдан қочиб қолганин маъкул. Йўқ, яхшиси милисага хабар қиласман!»

Ўз режасидан енгил тортиб кетган Ҳасан ака орқа-олдига ҳам қарамасдан, ўзини кўчага отди. У ҳансира милиция идораси томон югуриб бораркан, иттифоқо иккита дружиначи билан шу томонга келаётган таниш милиционернинг рўпаратисдан чиқиб қолди. У аввалига қўрқувдан, энди эса милиционерни осонгина учратганидан ҳөвлиқиб, тили оғизга тикилиб қолганди. Салом-аликлиз, томдан тараша тушгандек энтиқиб сўради:

— Сизга хабар берганими? — Қандай хабар? — безоваталанди милиционер.

— Э, анати артист ўзини ўлдиримоқчи!.. Милиционер билан дружиначилар Ҳасан акага ҳам қарамасдан артистнинг ҳөвлиси томон чопиб кетишиди. Бир зум ўйлаб тургач, Ҳасан ака ҳам уларнинг орқасидан югура бошлади.

— Энди қўрқмасам ҳам бўлади, — ҳадидидан ўтказиб чопарди Ҳасан ака, — ўзини ўзи пичоқлаган бўлсам-бўлма-

— Сўзларингдан қайт! — Қайт, деялтими, — Ҳасан ака каловланбид қолди, — менга айтпами, шекилли, қайт деб? Ҳа, шўринг курсин Ҳасан, буғун энди ҳундан тириклий қутилиб бўлсан. Эчкининг ўлгиси келса, чўпоннинг таёғига сўйканади. Бўлмаса шу бугун бу касофатнинг чиқиб нима қилдим? Улармидим, хотинимнинг ёнгинасида ёнбошлаб олиб, кашта тикишини томоша қилиб ётсан.

Ҳасан ака бўйнидан ил боғлаб етаклагандек итоаткорона яна эшик орқасидаги «жойига» қайтиб борди. Бундан дадилашган милиционер эшикни ичкаридан занжирлангану деб ўйлади шекилли, чап елкасига бир қараб олиб, икки қадам орқасига тисарилди. Ҳа, ростдан ҳам у энди уй ичиди қандайдир фожиа юз беришига ишонган, шу боис, тўсатдан эшикни бузуб кириб, артистни қуролсизлантироқчи бўлган эди.

Милиционер югуриб келиб, чап елкаси билан эшикни урган заҳоти занжирсиз турган эшик ланг очилиб кетди-ю, ўзини гурсилаб остонаяга йиқилди.

Ҳасан ака милиционер артистни босиб олди деб ўйлаб дружиначиларга қараб жон ҳолатда бақири:

— Тезроқ қўлини боғланлар!

Лекин шошиб қолган дружиначилар ҳам, Ҳасан аканинг ўзим эшикдан отилиб киришиди остонаяда думалаб ётган милиционерга қоқилиб кетишиб, бир-бирларни босиб қолишиди. Уй ўртасидан бир қўлида пиёлада чоҳ, иккичи қўлида дафтар билан ғоғир ролини машқ қилаётган артист ҳанг-манг қолиб, қўлидаги пиёлани тушириб юборди.

Шовқин-суронини эшитиб, нариги хонадан югуриб чиқкан артистнинг хотини бир дақиқа анграйиб тургач, гап-сўзиз бурчакда турган телефон дастасини кўтариб, шошигла-нича «02»ни тера бошлади.

Нормамат TOFA.

«ШЕЪРИМ РОСТ СЎЙЛАЙДИ»...

Таҳририятимизнинг бугунги меҳмони — Абдулла Турдиев бир неча йиллардан бери ижод қилиб келади. Унинг шеърлари 1962 йилдан вилоят рўзномаларида, 1969 йилдан жумҳурият матбуотида юз кўрсата бошлаган эди. Шеърият мухлисларига яхши таниш. Шоир сифатида мустаҳкам томир ёйган ижодкор.

Ҳозирги кунда А. Турдиев «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида маҳсус муҳбир вазифасида ишлаб келмоқда. Унинг бизга юборған шеърларини зукко ашъор ихлосмандлари ўқиб ва уқиб оладилар, деб ўйлаймиз.



ГУНОХ

Сенек бир аёлни севмаслик гуноҳ, Суқланиб боқмоқ ҳам гуноҳдир ҳатто. Сенинг хаёлингдан излайман паноҳ, Балки бу — умримда биринчи хато.

Сочинг тўлқинига батамом ўқиб, Сирли шивирингга чўмилмоқ гуноҳ. Ул шаҳло кўзлардан шабнамлар тўкиб, Пойнингта йиқилган кимса ҳам гумроҳ.

Гуноҳи азимдир лабингдан болни — Ҳәтий лаззатни симирмоқ чанқоқ. Борлири гул янглиғ сенек аёлни Севмоқ бир умрга юракда чақмоқ.

Юлдузлар чақнаган совуқ тўшакда, Тўнлари иситмоқ бўламан Ойни. Қийғос гулга кириб ишқим юракда, Оғушга чорлайман сен — қоший йиғи.

Ва ногоҳ васлингта қўксимни очиб, Айрилиқ тунини тиғдек тиламан. Юрсам ҳам, фариштам, гуноҳдан қочиб — Қаҷондир сени деб гуноҳ қиласман!

ЎҒЛИМ БЎЛ МЕНИНГ, ҚИЗИМ БЎЛ МЕНИНГ

Эй, етимхонада паноҳ топган жон, Қўзлари йўл қараб ўйилган, гўдак Шеърим рост сўйлайди, дилбандим, ишон — Ифорлар сочгайсан бир афиғ гулдак. Бир кун эшик очар иқболинг сенинг, Ўғлим бўл менинг, қизим бўл менинг.

Шаҳвоний туйғулар — беникоҳ, куфр... Сен — бағри тошлардан дунё кўрган гул. Бети қароларнинг бетига тупур, Қи, минбайдъ аларнинг охирати кул. Ё раббим, гуноҳинг нимадир сенинг, Қизим бўл менинг, ўғлим бўл менинг.

Ҳаёллар сурасан — мурғак қалб чўкар, Чўкар болалигинг тош инглиғ ботиб. Қайи ўз ёшини қалбимга тўкар, Тавалло айлайман боримни сотиб... Илло, Тангри берсиз умрингни сенинг, Ўғлим бўл менинг, қизим бўл менинг.

Нақадар даҳшатдир тирик етим ном, Бу номни юракка сиғдирмоқ, ёҳу... Шу ўйдан ўзимни йиқотиб тамом,

Қонимни ичгаидай бўлади оғу. Қуралай қўзингдан ўргилай сенинг, Қизим бўл менинг, ўғлим бўл менинг.

Олуда шилемшиқ фоҳиш тўшаги, ўт кетсин, илоё, бундай тўшакка. Кул бўй қовжирасин ҳирсингнег пеҳаги, Бу гуноҳ юк бўлгай мингта эшакка... Ободdir савобдан дунёнинг сенинг, Ўғлим бўл менинг, қизим бўл менинг.

Эй, сен, фарзандини ҳор этган аёл, Сен — аёл эмассан, йўқ, йўқ, фоҳиша. Сен, эркак, ножониз сурма ҳом ҳаёл, Юрагинг дарз кетган совуқ бир шиша... Болам, тақдирингни ўйлайман сенинг, Қизим бўл менинг, ўғлим бўл менинг.

Ўқинма, туш бўлса ота дийдори, Ғам чекма айриман дей онадан. Фақат сенга бўлсан Ватаннинг бори, Кел, олсин оғушга жоним — ХОНАДОН — Ўғлим бўл менинг, қизим бўл менинг.

Абдулла ТУРДИЕВ.

МИТТИ МАСАЛЛАР

ТОШДЕК ҚОТГАН ЕМОН

— Бизга яхши, биз доим учб-кўчиб юрамиз, — деб қувиллади кум.

— Ҳаракат қилиб турганинг

яхши, бўлмаса мендек қотиб

қолишинг ҳеч гап эмас, —

совуққина насиҳат қилди мудраб

ётган тош.

рибман. Қолаверса, сени ме-

нинг тупрогимдан тиклашга-

нини унумасанг бўларди, —

камтарлик билан жавоб бер-

ди ер.

КИМ-КИМНИ КУТАРИБ ТУРИБДИ

— Мен сендан баландман ва сени босиб турбиман, — деди виқор билан пахса девор ерга.

— Аввало, сен мени босиб

эмас, мен сени кўтариб ту-

рибман. Ҳолишига шоҳга уриб олган калтабин одам.

— Узр. Меваларим ерга

таъзим қиласиз деб сизни кўрмай қолишибди. Энгаши

ибранга тумани ИИБ бош-

лиги ўринбосари милиция

подполковники.

ХАНДАЛАР

— Қизик, — деб ўйланиб у ёқдан бу ёқса юра бошлади милиция ходими ўғри тушган хонадонни кўздан кечиравкан.

— Тилла узук, сирға, шуба, маржон. Негадир ўғри фақат ёлларнинг нарсасини олган, холос.

Х